

---

## Асаларичиликдан бир йилда 200 миллион сўм соф даромад олган Ўзбекистон туманилик тадбиркор

Ўзбекистон туманининг Шодлик маҳалласида яшовчи Мухаммадориф Саидқулов 53 ёшда. Асалари боқиш у кишига бобосидан мерос. Айни кунда 120 та қутида 340 дан ортиқ асалари оилаларини парвариш [қилмоқда](#).

Ёш асаларичиларга асаларини парваришlash, унинг касалликларига қарши профилактика, назарий ҳамда амалий масалаларда кўмаклашиб келмоқда.

Кўплаб шогирдларнинг устози, моҳир асаларичининг таъкидлашича, ўтган йилда барча харажатлардан ташқари 200 миллион сўм соф даромад олган.

“Қизиққан касбига сидқидилдан меҳр қўйиб, уни мукамал ўрганиб, ҳалол меҳнат қилган инсон ризқида албатта барака бўлади. Асаларичилик даромади юқори бўлмаган оилаларни даромадли оилага айлантиришига ҳеч шубҳам йўқ. 100 та асалари оиласини парвариш қилса, битта оилани бемалол боқади”, дейди Мухаммадориф Саидқулов.

2023-03-10 19:16:49